

# Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 4-sentabr, chorshanba № 68 (15706)

## ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

Биз ўз олдимизга қўйган келажаги буюк давлат қуришдек олижаноб мақсадга етиш йўлида мен сизлар каби мард ва шижоатли ёшларимизга, илму фан чўққиларини эгаллашга бел боғлаган, қийинчилик ва синовлар олдида бош эгмайдиган, бугун ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлиб майдонга чиқаётган соғлом ва баркамол авлодимизга ишонаман.

Ислом Каримов



### Истиқлол — бебаҳо қадрият

Ватанимиз мустақиллигининг қутлуғ 22 йиллик шодиёналари шаҳару қишлоқларимизнинг кўркам боғ-роғлари, хиёбонлари, концерт залларидан ҳар битта хонадонга, уларда яшовчи, шу азиз юртни севган инсонлар қалбига кириб борди. Айниқса, истиқлол неъматларидан кўзи тўқ, эртанги кунидан кўнгли хотиржам юртдошларимиз Президентимизнинг муборак айём муносабати билан халқимизга йўллаган байрам табригидан кўнгиллари осмон қадар юксалди.

Табриқдаги: «Мен қаерда, қандай йиғилиш, қандай анжуман бўлмасин, сиз, навқирон ёшларимизнинг вакиллари билан учрашганда, сизларнинг ёниб турган кўзларингизни, куч-ғайратга тўлган қаддиқоматингизни кўрганда қалбимда беихтиёр катта гурур ва ифтихор пайдо бўлади. Мен сизларнинг барчангизни ҳақиқатдан ҳам яхши кўраман, сизлар учун, сизларнинг бахту саодатингиз учун бутун борлигимни бағишлашга ҳам тайёрман», деган самимий сўзлар эртанги кунга ишонч билан олға интилаётган, ўз олдига юксак мақсадларни қўйган, маррани баланд олиб яшаётган тенгдошларимизга гурур ва ифтихор, маънавий қувват бахш этди.

#### ШУҚР ВА ФИҚР ОРАСИДА

Ахборот асрининг санаб адоғига етиб бўлмайдиган яхши томонлари бор. Ҳар бир дақиқани бирон янгилик, хушxabар билан кутиб оламиз. Бироқ ўша хабарлар орасида гоҳида одамни ўйга толдирадиган, изтиробга соладиганлариям учрайди-да. Инсонимиз, ахир, ҳаммамизнинг ҳам жонимиз ширин, ҳаммамизда ҳам туйғу бор, ҳар биримизнинг қонимизда ҳамдардлик, раҳм-шафқат, дўст-биродарлик туйғулари яшайди — уларни ўқиганда ёки кўрганда мутаассир бўламиз.

Яратганга беҳисоб шуқр, азиз юртимиз осмони тинч, унда қушлар безовта учмайди, ўйноқлаб-ўйноқлаб парвоз қилади. Болаларимиз кувноқ, бир бола қийқириб кулса, уни бутун маҳалла эшитади. Осийшталикнинг белгиларидан эмасми бу?

Халқимизда бирни кўриб, шуқр, бирни кўриб, фикр қил, деган нақл бор. Қанчалик суюнмайлик, тинчлигимиз учун шуқр қилмайлик, бугун Ер юзининг айрим жойларида содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар қалби тирик одамни бефарқ қолдирмайди.

(Давоми 2-бетда)



Бу йил 528 972 нафар бола юртимиздаги мактабларнинг 1-синфига қадам қўйди. Ука-сингилларимиз аънамага кўра, биринчи сабоқни «Мустақиллик дарси»да олишди. Шундан сўнг уларга ўн икки номдаги ўқув куроллари жамланмаси ва ўқув сумкасидан иборат Президент совғаси топширилди.



### Қалбга муҳрланган лаҳзалар

Мактаб сари ташланган биринчи қадам. Ёши қанча улғаймасин, киши бу дақиқалар ҳаяжонини бир умр унутолмайди. Айниқса, биринчи кўнғироқ жаранги ҳар йили янги ўқув йили аввалида худди юракларда янграётгандек садо беради. Ичимизда тотли энтиқиб, беихтиёр бир қур ўқувчилик йилларимизни эсга оламиз...

Пойтахтимизнинг Сергели туманидаги 3-мактаб янги ўқув йилида 184 нафар мунчокқўз, нигоҳи ҳайратга тўла болақайни 1-синфга қабул қилди. Шу муносабат билан ўтказилган «Биринчи кўнғироқ» тадбири улар қалбига мактаб ҳақидаги илк таассуротни шўх куйқўшиқлар ҳамоҳанглигида жойлади.

— Устозимиз Хатира опа бизни кулиб кутиб олди, — деди 1-синф ўқувчиси Мохинур Маҳмарайимова. — Яхши ўқишимиз учун Президентимиз бизга совға бериб юборибдилар. Яна чиройли сумкаям. Ичида альбом, ҳар хил рангли қаламлар, фломастерлар бор. Энди мен ўқиш-ёзишни ўрганиб, аълочи бўламан!

Бу йил 3-мактабни 157 нафар ўқувчи тамомлаб, уларнинг 18 нафари академик лицейларда, қолгани касб-хунар коллежларида тахсилни давом эттиряпти.

— Мактаб ҳақидаги биринчи таассурот ҳар бир боланинг кейинги ўқиши ва ҳаётида катта аҳамиятга эга, — дейди мактаб директори Нигора Жабборова. — Шу боис билим масканимизга қадам қўйган ҳар бир ўғил-қизда тасаввуридан-да зиёда яхши таассурот қолдиришга, мактабнинг бебаҳо билимлар хазинаси эканини содда, ифодали тушунтиришга ҳаракат қиламиз. Токи ўша бола-

кай эртага яна шу даргоҳга, муаллими, синфдошларига талпинсин, тезроқ хат-саводини чиқаришга интилсин.

Тадбирдан сўнг ўқувчилар шинам, ёруғ синфхоналарда «Мустақиллик дарси»ни ўтишди.

... Кифтига сумка таққанча, нигоҳида янги мақсадлар акс этиб бо-раётган болақай мағрур, катта-катта қадам ташлайди. Бу шунчаки кетаётган ўқувчи одими эмас, аксинча, тараққиёт йўлида дадил, шижоат билан қадам ташлаётган юртнинг эртасидир.

Хайриддин МУРОД,  
«Turkiston» мухбири

Сардор Муллажонов олган сурат

## Hududlardan mujdalar

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

**Олмазор туманидаги имконияти чекланган болалар 1-мурувват интернат уйида «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида байрам тадбири ўтказилди.**

Тадбирда эл суйган санъаткорлар ва ёш ижрочилар иштирокида концерт дастури ташкил этилди. Унда «Камолот» сардорлари ва фаол етакчилар болажонлар билан бирга кўшиқ айтиб, рақсга тушишди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

**Мустақиллик байрами муносабати билан «Ўзметкомбинат» ОАЖдаги Ҳаракатнинг бошланғич ташкилоти томонидан спорт мусобақаси ташкил қилинди.**

Корхонага қарашли «Металлург» спорт-соғломлаштириш мажмуасида ўтган тадбирда комбинатнинг ўттизга яқин таркибий бўлинмаларидан уч юз нафарга яқин ёш ишчи-ҳодимлар қатнашди. Иштирокчилар арқон тортиш, стол тенниси, енгил атлетика, тош кўтариш ҳамда сузиш бўйича ўзаро беллашди.

Умумжамоа ҳисобида 1-ўринни электротаъмирлаш цехи кўлга киритди.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

**Кўқон автотранспорт касб-хунар коллежида «Ёшларни «оммавий маданият» таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.**

Ҳаракатнинг Кўқон шаҳар кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди шаҳар бўлими ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда янги ўқув йилида мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари, уюлмаган ёшлар орасида тарғибот ишлари самарадорлигини ошириш, ўқув муассасалари ва маҳаллаларда маданий тадбирлар, мавзуга оид учрашув ҳамда суҳбатларни кўпроқ ўтказиш лозимлиги таъкидланди.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

**Боёвут туманида ҳам мустақиллигимизнинг 22 йиллиги муносабати билан байрам тадбири бўлиб ўтди.**

Тадбирда Боёвут тумани маданият ва спорт ишлари бўлимига қарашли 1-шаҳар маданият уйи аъзолари томонидан тайёрланган концерт дастури хавола этилди. Эстрада хонандаларининг куй-кўшиқлари йиғилганларга бир олам қувонч бағишлади.

Тадбир давомида шахмат, шашка, миллий ва белбоғли кураш мусобақалари ҳам ташкил этилди.

# Истиқлол — бебаҳо қадрият



(Давоми, боши 1-бетда)

Ўйлаб қолсан, киши: бир-бирига мушт дўлайтираётган, қурол ўқталаётган, бир-бирининг тинчини бузаётган, ўзича таҳдид қилаётганлар ҳам одамларми? Одам бўлса, уларнинг ҳам бошқаларга ўхшаб ватани, ота-онаси, бола-чақаси, ака-укаси, опа-синглиси борми? Бор бўлса, уларни ўйлайдими? Бугун мен бировнинг уйини бузаяпман, эрта-бир кун бировлар меннинг уйимни бузишга уриниб кўрмайдими, деган фикр хаёлига бир бора бўлса ҳам келадими? Демократия ҳақида оғзидан тупук сачраб, лоф урган ҳар кас демократ, тинчлик ҳақида оғзини тўлдириб гапирганнинг ҳаммаси тинчликпарварми? Ана, дунёда, бир жойда сал нотинчлик ё беқарорликнинг иси чиқса, тинчитаман, деб найза кўтариб югургилаб қоладиганлар ҳам бор. Наники уларни шунақа ҳовлиқтирмаслик



ЎЗА суратлари

учун, балки, аввало, ўзимиз учун, жонажон мамлакатимиз, халқимиз тинчлиги, эртанги куни учун ҳам мана шу дорилимон кунларни қадрлашимиз, аҳиллигимизни сақлаб қолишимиз шарт.

Юртбошимиз ўз табригида яна: «Бугун биз бошимиздан кечираётган нотинч ва таҳликали замонда турли минтақаларда, ён-атрофимизда қарама-қаршилик ва қонли тўқнашувлар тобора кучайиб бораётганини кўриб, кузатиб, беғамлик ва бепарволикка йўл қўймасдан, ҳушёрлик ва уйғоқлик билан яшашни ҳаётнинг ўзи барчамиздан талаб этмоқда», дея тараққиёт, тўкинлик, яхши турмуш тарзи, умуман, эришган ютуқларимиз ҳақида тўхталиб, улар осонлик билан қўлга киритилмагани, барчасига истиқлол туфайли эришганимизни алоҳида таъкидлайди. Барчамизни тинчликни қадрлаш, дўстлик ва аҳиллик, ўзаро меҳр-оқибат муҳитини сақлаш, мустақамлашга даъват этади.

## ЮРТДОШИМ ДИЛИДАГИ СЎЗ

— Ҳар йили Мустақиллик байрамини катта хурсандчилик билан кутиб оламиз, лекин бу йилгиси алоҳида қувончли ўтди, — дейди Самарқанд давлат чет тиллар институти 1-курс талабаси Сардор Давронов. — Байрам арафасида талаба бўлдим, икки ҳисса қувонганим учунми ёки шаҳримиз чиндан яна ҳам очилиб, яшариб кетганими, ҳаммаёқ кўзимга чиройли кўринди. Президентимизнинг айтган: «Маррани доимо баланд қўйиб яшанг, азиз болаларим, давр бизники, марра бизники!» деган сўзлари худди мен учун янграгандек туюлди. Бу гапдан куч олиб, институтда зўр ўқишга ҳаракат қиламан. Профессional таржимон бўлиш ниятим бор.

— Ўтган йигирма икки йил давомида юртимиз қандай юксалишга эришганини дунёнинг манамен деган давлатлариям тан олаётти, — дея байрам қувончини баҳам кўради яна бир юртдошимиз, Қашқадарё вилояти Нишон тумани Меҳнатобод қишлоғида яшовчи Панжи Жабборов. — Ривожланишни ҳар бир оилада, қишлоғу маҳаллада кўриш мумкин. Масалан, мен ўзим қирк йилдан зиёд вақт қишлоқ хўжалигида ишладим. Лекин бугунги ёшларимиз эришган натижаларга эришолмадим. Шунинг учундир, бугунги ёшларга ҳавасим баланд. Мустақиллик йилларида болаларимни ўқитдим, ўзимнинг армонларим шу фарзандларим тимсолида ушалаётганидан бахтиёрман.

Истиқлол ҳар бир ватандошимиз ҳаётида ана шундай ўрин тутмоқда.

**Элмурод НИШОНОВ,**  
«Turkiston» мухбири

Vatan ravnaqi yo'lida birlashaylik!

## Эзгу орзулар рўёби

**Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида ёш авлоднинг замонавий билим ва касб-хунар сирларини эгаллаши, интеллектуал салоҳияти ва истеъдодини тўлиқ намоён этиши учун барча шарт-шароит яратилмоқда. Бунга жавобан ёшларимиз бор куч-гайратини Ватанимиз равнақига ҳисса қўшиш йўлида сафарбар этмоқда.**

Бу жиҳатлар 19 — 24 август кунлари «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларидаги бошланғич ташкилотлари етакчиларининг «Ватан равнақи йўлида бирлашайлик!» шиори остида ўтказилган республика форумида яна бир бор ўз тасдиғини топди. Форум доирасидаги «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг мамлакат босқичида Тошкент ахборот технологиялари касб-хунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчиси Малика Бойманова биринчи ўринни кўлга киритди.

2007 йили Ҳамза туманидаги 204-умумтаълим мактабини тугатиб, мазкур ўқув даргоҳига ўқишга кирган М.Бойманова ўша йилдан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотига аъзо бўлди. Коллежда ўқиб юрган кезларида аъло баҳоларга ўқиш билан бирга, жамоат ишларидаги фаоллиги, тиришқоқ ва ҳушмуомалалиги билан кўпчиликнинг назарига тушди. Шу боис коллеж ёшлари Маликани «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотига етакчи этиб сайлади.

Ҳозирги ёшлар теран дунёқараши, мустақил фикрлаши билан бундан йигирма-йигирма беш йил аввалги тенгдошларидан бутунлай фарқ қилади.

Уларни маънавий оламини юксалтириш, Ватанга муҳаббат ва халқимизга садоқат руҳида тарбиялашда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчиларининг ҳиссаси катта. Бу, айниқса, ўқувчиларни ягона эзгу мақсад — Ватан равнақи йўлида бирлаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

— Коллежимизда бошланғич ташкилот фаолларининг ташаббуси билан турли тўғараклар, «Заковат» уйини, спорт мусобақалари, танловлар ташкил этилиб, иқтидорли ўқувчиларнинг қизиқишига оид маълумотлар тўпланган электрон база яратилди, — дейди ахборот-коммуникация технологиялари йўналиши ўқувчиси Миродил Миртургунов. — Бу ўқувчиларнинг ижтимоий-сиёсий билимини, интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, дунёқарабини кенгайтириш, истеъдодини рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда.

Жорий йилда бошланғич ташкилот ташаббуси билан коллеж ўқувчилари турли байрам тадбирлари, хайрия ишларида фаол иштирок этди. Ўқув даргоҳида ўқувчилар ва ўқитувчилар ўртасида спартакиада ўтказилди. Гимнастрада тўғараги ташкил этилиб, кўнгилли ёшларнинг ушбу спорт тури билан мунтазам шуғулланиши йўлга қўйилди. Бу тўғаракни Малика Бойманова бошқаради.

— Болалигимдан гимнастрада билан шуғулланганим учун ушбу спорт турининг инсон жис-



моний шаклланишида муҳим ўрин тутишини коллеж ёшларига етказишга ҳаракат қилаётганиман, — дейди М.Бойманова. — Бугун тўғарагимизда юз нафарга яқин йигит-қиз спортнинг мазкур тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Ўқитувчиларимиз ўртасида ҳам ушбу спорт турига қизиқиш ортмоқда.

Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидаги «Камолот» ёшлар оромгоҳида «Ватан равнақи йўлида бирлашайлик!» шиори остида 19 — 24 август кунлари ўтказилган республика форумида «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг ғолиби бўлгани Маликанинг интилишларига янада куч-гайрат бағишлади.

— Мазкур форумда юртимизнинг турли ҳудудларидан келган 140 нафардан ортиқ етакчи ўзаро билим ва тажриба алмашди, — дейди М.Бойманова. — Малакали мураббий ва экспертлар ўтказган қизиқарли мавзулардаги семинар-тренинг ва ўқув-машғулотларида, спорт тадбирларида иштирок этдик. Форум до-

ирасида ўтказилган «Энг намунали бошланғич ташкилот» танловида ғолибликни кўлга киритганимиз коллежимиз бошланғич ташкилоти фаолиятига берилган катта баҳодир. Бу ютуқ ташкилотимиз аъзоларини янги ғоя ва ташаббуслар сари руҳлантиради.

... Кунни кеча коллежда янги ўқув йили бошланишига бағишлаб ўтказилган тантанали тадбирда Малика Бойманова етакчилигидаги «Камолот» бошланғич ташкилоти фаоллари концерт дастурини намойиш этиб, йиғилганларга катта қувонч улашди.

**Байрам АЙТМУРОДОВ,**  
ЎЗА мухбири.

СУРАТДА: (ўртада) Тошкент ахборот технологиялари касб-хунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти етакчиси Малика Бойманова коллеж ўқувчилари билан.

Ёлқин ШАМСИДДИНОВ (ЎЗА) олган суратлар

# Шарафли ўй бошида

«Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон! шиори остида кенг кўламли байрам тадбирлари давом этаётган шуқуҳли кунларда олий ҳарбий таълим муассасаларига қабул қилинган курсантларнинг ҳарбий қасамёд қабул қилиш тадбири Мудофаа вазирлигининг барча олий таълим муассасаларида бўлиб ўтди.



Жумладан, Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юрти, Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль кўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртида ҳам шундай тадбирлар ўтказилди. Пойтах-

тимиздаги «Ватанга қасамёд» мажмуи жойлашган Куролли Кучлар давлат музейи ҳудудида бўлиб ўтган тантанана Мудофаа вазирлиги раҳбарияти, шунингдек, ушбу вазирлик ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ота-оналар иштирок

этди. Тошкент ахборот технологиялари университети махсус факультети ва Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги ҳарбий-тиббиёт факультети курсантларининг ҳарбий қасамёд қабул қилишига бағишланган тадбирда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раисининг ўринбосари, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзоси Гулнора Маърупова сўзга чиқиб, Ўзбекистон Куролли Кучлари мамлакатимиз мустақиллиги, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини сақлаш, тинч ва осуда ҳаётимизни ҳимоя қилишнинг мустаҳкам таянчи бўлиб келаётгани, ҳарбий хизмат ёшларимиз учун ҳақиқий мардлик, чиниқиш ва тобланиш мактабига айланиб бораётганини таъкидлаб ўтди.

Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус факультети билан бирга, Тошкент тиббиёт академияси ҳузурида ҳарбий-тиббиёт факультетининг ташкил этилгани тиббий хизмат офицерларини тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришга хизмат қилади. Республикадаги барча тиббиёт институтлари талабалари орасидан саралаб олинган йигитлар энди тахсилни Тошкент тиббиёт академияси-

нинг ҳарбий-тиббиёт факультетида давом эттиради.

— Ўғлим Сирожиддин Самарқанд тиббиёт институтининг даволаш факультетиде ўқирди, — дейди оқдарёлик Баҳодир Каримов. — Ҳарбий-тиббиёт факультетига талабалар ўртасида саралаш бошланганда жуда ҳаяжонлангандик. Талабалар нафақат тиббий билимлари, балки ижтимоий-сиёсий, жисмоний тайёргарликларини ҳам синовдан ўтказдилар. Натижа кутганимиздан ҳам яхши бўлди. Ўғлимнинг болалигидан мунтазам спорт билан шуғулланиб келаётгани беиз кетмади. Айниқса, жисмоний тайёргарлик натижалари бизни суюнтирди. Ўғлим Сирожиддин Тошкент тиббиёт академиясининг ҳарбий-тиббиёт факультети курсанти бўлди. Ватанимиз тинчлиги, осудалиги, қолаверса, ҳарбийлар саломатлигига масъул шифокор бўлиш орзуси ушалаётганидан хурсандмиз.

Миллий армиямизнинг фахр-ифтихори бўлишга бел боғлаган курсантлар кун келиб етук офицер бўлиб етишади. Бу қутлуғ кун бўлғуси офицерларнинг хотирасидан ўчмайди.

**Дилбар ХУДОЙБЕРДИЕВА,**  
«Turkiston» мухбири

## Hududlardan mujdalar

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

**Вилоят «Ёшлар маркази»да корхона ва ташкилотлар ўртасида «Заковат» интеллектуал ўйинининг вилоят босқичи ташкил этилди.**

Интеллектуал ўйинда ўн бешта жамоа уч турда — ҳар бир ўйинда ўн бешта саволга жавоб берди. Мурсасиз ўтган интеллектуал ўйин якунида Навоий кон-металлургия комбинатидаги бешинчи кон бошқармасининг «Сторенгин» жамоаси биринчи, Зарафшон марказий кон бошқармасининг «Аурим» жамоаси иккинчи, Навоий кон-металлургия комбинатининг марказий лаборатория-таҳлил бошқармаси «Зукко» жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

Ўйин сўнгиде билимдонлар турли номинациялар бўйича Ҳаракатнинг вилоят кенгаши томонидан тақдирланди.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

**Ҳаракатнинг вилоят кенгаши қошидаги «Ёшлар орасида ОИВ/ОИТС, гиёҳвандлик ва турли йўллар билан юқадиган касалликларнинг олдини олиш» лойиҳаси тренерлари томонидан вилоятдаги барча туман ва маҳалла ёшлари иштирокида мини сессиялар ташкил қилинди.**

Жумладан, Хонқа туманидаги 15-, 9-, Гурлан туманидаги «Ёрмиш» ва 5-маҳалла фуқаролар йиғини, Янгибозор туманидаги «Уйғур» ва «Бошқиршиқ», Боғот туманидаги «Бешарик», Шовот туманидаги «Асавей», Урганч туманидаги «Оқариқлар» маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилди.

Мини сессияларга жами икки юзга яқин ёш жалб қилиниб, уларга мавзуга оид лойиҳа буклетлари тарқатилди.

СУРХОНДАРЕ ВИЛОЯТИ

**Ангор тумани курилиш ва коммунал хўжалик касб-хунар коллежида уч авлод учрашуви бўлиб ўтди.**

Тадбирда ўқувчи-ёшлар, маҳалла фаоллари ва меҳнат фахрийлари иштирок этди. Кўпни кўрган отахонлар ёшлик дамларидаги оғир шароитлар ҳақида гапириб, бугунги кунга шукрона айтишди. Ўзларининг ҳаёт тажрибаларидан келиб чиқиб, ёшларга маслаҳатлар беришди. Ёшлар ҳам ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

# Маррага интилар велосипедлар

Барча туман ва шаҳарларда, овул ва қишлоқларда бўлиб ўтган байрам тантаналари «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида нишонланди. Шуманай туманида бўлиб ўтган ёшлар фестивали янада рангбаранг тадбирларга бой бўлди.

Эрта тонгдан фестиваль иштирокчилари — «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ходимлари, ёш эстрада юлдузлари ва «Нукус-FM» радиоси бошловчилари йўлга чиқди. Шуманайга етгунча, истиқлол йилларида қурилган иншоотлар, замонавий уй-жойлар, академик лицей ва касб-хунар коллежлари, маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларига қараб, кўнглимиз фахр-ифтихорга тўлди.

Манзилга етиб келганимизда туман ёшлари фестиваль доирасида ташкиллаштирилган мини футбол, теннис, шахмат ва «Брейн-ринг» интеллектуал ўйини бўйича қизгин беллашувларнинг гувоҳи бўлдик. Мусобақани кузатиб, туман ёшларининг тиришқоқлиги, билим, салоҳияти ва иқтидорига қўйил қолдик. Шуманайда ёшлар учун барча шароитлар яратилган. Ўз навбатида, ёшлар ҳам бу имкониятлардан самарали фойдаланяпти.

Корхона ва ташкилотлар ўртасида мини футбол бўйича ташкиллаштирилган «Камолот» кубоги мусобақасида ўн икки-

та футбол жамоаси майдонга тушди. Финалда Шуманай тумани ички ишлар бўлими жамоаси устун келиб, бош совринни кўлга киритди. Теннис бўйича Шуманай туманидаги 1-мактаб ўқувчиси Темура Алламуродов ва 16-мактаб ўқувчиси Гўзал Сайдуллаева биринчи ўринни олди, шахматда эса Аббос Ешимбетовга тенг келадиган бўлмади. «Брейн-ринг» интеллектуал ўйини ҳам қизиқарли савол-жавобларга бой бўлди. Унда ўн бешта жамоа ақлзаковат бобида нималарга қодир эканини намойиш этди. Якуний натижаларга кўра, Шуманай агроиқтисодиёт касб-хунар коллежининг «Онлайн» жамоаси биринчи ўринни эгаллади.

Мусобақалар якунлангач, ғолибларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

— Ушбу фестиваль шуманайлик ёшлар қалбида бир умр муҳрланиб қолишига ишонаман. Ёшлар фестивали доирасидаги теннис мусобақасида қатнашиб, биринчи ўринни олдим. Бундай тадбирларни туман ёшлари ўртасида янада кўпроқ ўтказиш зарур, — дейди Темура Алламуродов.

— Бугунги фестиваль биз, ёшлар учун ҳақиқий байрам бўлди, — дейди Шуманай тумани сардорлар кенгаши сардори Лолахон Турсунбоева. — Барча тенгдошларим байрамона кайфиятда. Шундай тинч-осойишта юртда, замонавий шароитларга эга таълим муассасасида ўқиётганимдан бахтиёрман.

Фестиваль якунида санъаткорлар билан бирга, туманнинг истеъдодли ёшлари ўзларининг концерт дастурларини иштирокчилар эътиборига ҳавола қилишди.

Ҳаракатнинг hududiy kengashlarida

### ЎТМИШ ВА БУГУН

Қорақалпоқ давлат ўлкашунослик музейида «Қорақалпоғистон: ўтмишда ва мустақиллик йилларида» мавзусида кўргазма ва учрашув ўтказилди.

Кўргазмадан 1920 — 2013 йилларни акс эттирган фотосуратлар ўрин олган. Унда Қорақалпоғистоннинг ўтмишидан бугунги кунига қадар сўзлайдиган ижод намуналари томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

Байрам муносабати билан ташкиллаштирилган кўргазмада турли ташкилот вакиллари, ижодкорлар ва ёшлар, хунармандлар ҳамда фотографлар иштирок этди.

### СТАРТДА ВЕЛОПОЙГАЧИЛАР

Нукус шаҳридаги «Тошкент» меҳмонхонаси ёнида «Kamolot»-tur» ёшлар веломарафонига старт берилди. Унда 134 нафар ҳаваскор пойгачи етти километр масофани босиб ўтди. 9 — 14 ёшлилар ўртасида Илҳом Эсалиев, 15 — 17 ёшлилар орасида Парахат Холмуродов, 18 — 30 ёшлилар ичида эса, ўтган йилги ғолиб пойгачи Пана Давлетбоев биринчи ўринни эгаллади.

Марафонда фаол қатнашган ёшларга «Камолот» ЕИХ Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамоати фонди Қорақалпоғистон Республикаси бўлими томонидан фахрий ёрлик ва эсдалик совғалар топширилди.

**Клара ХУДОЙБЕРГАНОВА,**  
«Камолот» ЕИХ Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот хизмати етакчи мутахассиси

# ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИНИ

Ta'lim taraqqiyoti

## ЯНГИ РЕЖАЛАР БИЛАН

Юртимиздаги барча таълим муассасаларида янги ўқув йили бошланди. Айрим ука-сингилларимиз мактабга илк қадамни қўйган бўлса, мактаб битирувчилари академик лицей ёки касб-хунар коллежларида тахсилни давом эттирмоқда, ёшларнинг яна бир қисмига эса тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, талаба бўлиш насиб этган.



Мамлакатимизда ўн икки йиллик мажбурий таълим тизими жорий этилган. У мактаб ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълимни ўз ичига қамраб олади. Ҳар йили умумтаълим мактабларини тамомлаётган юзлаб ўқувчилар ўзлари танлаган мутахассислик бўйича академик лицей ёки касб-хунар коллежларига ўқишга кирмоқда. Бу йил ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига ўқишга кирган ёшлар сони 531229 нафарни ташкил этди. Таълимнинг ушбу босқичига ўтган йили мактабни тамомлаган битирувчиларнинг 99,5 фоизи қамраб олинди.

Айни пайтда республика-мизда 143 та академик лицей, 1411 та касб-хунар коллежи ҳамда уларнинг 25 та филиали мавжуд. Уларда жами 1,6 миллион нафардан ортиқ ўқувчи тахсил оляпти. Тизимда 64867 нафар умумтаълим фан ўқитувчиси, 40544 нафар махсус фан ўқитувчиси ҳамда 12230 нафар ишлаб чиқариш таълими устаси фаолият кўрсатмоқда. Педагог-ҳодимларнинг 92,5 фоизи олий маълумотли бўлиб, 95 нафари фан доктори, 838 нафари фан номзоди илмий даражасига эга.

Бугунги кунда касб-хунар коллежларида ўқиётган ёшлар икки-учтадан касбни ўрганиш имкониятига эга. Ушбу таълим муассасалари, аввало, ўзлари жойлашган ҳудуд доирасида

Шунингдек, жорий йилда ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида илк маротаба муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича мутахассисларни тайёрлаш йўлга қўйилди. Айни кунда юртимизда қайта тикланувчи энергия манбаларини ўзлаштиришга доир бир қатор йирик лойиҳа ва дастурлар амалга оширилмоқда. Табиийки, соҳа ривожлангани сайин мазкур йўналишни тушунадиган малакали кадрларга эҳтиёж ҳам ортиб бораверади. Эндиликда иқтисодиётимизнинг турли тармоқлари учун бундай янги профилдаги мутахассислар касб-хунар коллежлари томонидан етказиб берилади. Шу мақсадда коллежлардаги иссиқлик энергетикаси ҳамда

Янги ўқув йилига тайёргарлик ишлари доирасида 621 та ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасида жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Бу йилги инвестиция дастурига асосан, 159 та академик лицей ва касб-хунар коллежини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш белгиланган. Жумладан, йил якунига қадар тўртта янги коллеж ва битта коллеж филиали қурилиб, фойдаланишга топширилади.

Таълим мазмунини ташкил қилувчи дарслик, ўқув қўлланмаларини яратиш ва чоп этиш юзасидан ҳам тизимда салмоқли ишлар бажарилмоқда. Жорий йилда ўқувчиларда 363 номда — жами 455 мингдан зиёд нусхадаги дарслик ва ўқув қўлланмасига эҳтиёж борлиги аниқланган. Шундан 206 номдагиси янгидан тайёрланиб, 98055 нусхада босмадан чиқарилади, қолган 157 номдаги ўқув адабиёти 357264 нусхада қайта нашр қилиниб, таълим муассасаларига етказилмоқда.

Янги ўқув йилидан бошлаб ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқувчилар чет тилларни кўпроқ ўрганишади. Йиллик ўқув режада мазкур фанга одатдагидек 180 соат ўрнига 250 соат дарс ажратилган. Бундай ўзгариш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори билан боғлиқ.

Қарор талаблари асосида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун чет тиллардан янги фан дастурлари ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Шу билан бирга, академик лицейларнинг бешта таълим йўналиши ва касб-хунар коллежларининг 220 дан ортиқ йўналишлари бўйича намунавий ўқув режалари ҳам қайтадан ишлаб чиқилиб, таълим жараёнига татбиқ этилмоқда.

Академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун хорижий тиллардан дарсликлар ҳам янгиланди. Хусусан, 1-курс ўқувчилари учун инглиз тилидан 443206 нусхадан ўқувчи китоби ва ўқувчиларнинг ишчи ўқув дафтари, инглиз тили ўқитувчилар учун эса 6260 нусхадаги ўқитувчи китоби нашр этилди.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази берган маълумотга қараганда, ҳозирда тизимда чет тили ўқитувчиларига бўлган талаб тўлиқ қондирилган. Боз устига, бу йил академик лицей ва касб-хунар коллежларининг 1-курсларида дарс берадиган чет тили ўқитувчиларининг малакаси оширилди. Дастлаб улардан тўқсон нафари чет тилларни ўқитишнинг замонавий методикаси бўйича малака оширган бўлса, кейинчалик бундай малака ошириш курслари ҳудудлардаги 3202 нафар инглиз тили, 344 нафар немис тили ва 210 нафар француз тили фани ўқитувчилари учун ташкил этилди.

Касб-хунар коллежида таълим олаётган ҳар бир ўқувчи касб эгаллабгина қолмай, келгуси ҳаётда ўз ўрнини топиши, иш билан таъминланиши муҳим масаладир. Ўтган йили касб-хунар коллежларини 501,4 минг нафар ўқувчи тамомлаган эди. Улардан 491,2 минг нафари, яъни 98 фоизи 190 мингдан ортиқ корхона ҳамда ташкилотлар билан амалиёт ўташ ва кейинчалик ишга жойлашиш учун уч томонлама шартнома тузган. Бундан ташқари, 459,2 минг нафар коллеж битирувчисига туман ва шаҳар ҳокимлари томонидан ишга жойлаштириш учун кафолат берилган.

Шу кеча-кундузга қадар битирувчиларнинг 230,7 минг нафари ишга жойлашган. 1194 нафари эса олий таълим муассасаларида ўқишни давом эттиряпти.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими республика-мизда жорий этилган узлуксиз таълим тизимининг муҳим ва мустақам бўғинидир. Зеро, таълимнинг айнан шу босқичида минг-минглаб йигит-қизлар муайян касб-кор, билим ва малакага эга бўлади. Мамлакатнинг равнақи ҳам кўп жиҳатдан ана шундай ёш мутахассис-кадрларга боғлиқ. Демак, бугун академик лицей ва касб-хунар коллежларидаги таълим сифатини ошириш, таълим олиш учун қўшимча шароитларни яратиш борасида қилинаётган ишлар, эртага, албатта, сизу бизнинг истиқболимизга хизмат қилади.

**Наргиза УМАРОВА,**  
«Turkiston» муҳбири



ЎЗА суратлари

муайян мутахассислик бўйича ўрта бўғин кадрларига бўлган эҳтиёжни қондиришга хизмат қилади. Ҳар йили ҳудудлар кесимида мавжуд эҳтиёж ўрганилиб, шу асосда коллежлардаги ихтисосликлар қайта кўриб чиқилади.

Ўтган ўқув йили юртимиз ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида жами 215 та касб бўйича кадрлар тайёрланган эди. Жорий ўқув йилида бу кўрсаткич 219 тага етказилди. Янги касблар сирасидан меъморий-декоратив санъат лойиҳаловчи-дизайнери, нотўқима материалларга бирламчи ишлов бериш, машина ва жиҳозларини таъмирлаш механиги, том ёпиш ишлари устаси, магистрал, маҳаллий ва тармоқ қувурларини монтаж қилиш, фойдаланиш ва таъмирлаш механиги кабилар ўрин олган.

электроэнергетика йўналишларига иккита янги — муқобил ва ноанъанавий энергия манбалари қурилмаларига хизмат кўрсатиш техниги ҳамда муқобил ва ноанъанавий энергия манбалари қурилмаларига хизмат кўрсатиш механиги ихтисосликлари киритилди.

Сўнги йилларда юртимизда айрим соҳаларда ўрта махсус кадрларга талаб ортанлигини ҳам кузатиш мумкин. Масалан, бу йил республика-миздаги ўн бешта касб-хунар коллежида қўшимча равишда кенг ассортиментдаги кийимлар модельер-конструктори, ўнта-сида тикув ва тикув-трикотаж буюмларини ишлаб чиқариш техник-технолог, саккизтасида ошпаз, олтитасида сартарош-ли ва декоратив косметика устаси касби бўйича ўқувчилар қабули амалга оширилди.

## Талабаликнинг биринчи куну

Shukrona

**Бу йил энг иқтидорли йигит-қизлар тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, Қўқон давлат педагогика институтининг талабаси бўлди. Билимга чанқоқ бу ёшларнинг ўзлари ният қилган мутахассислик бўйича ўқиш орзуси ушалди. Ҳаётхон Мухторова, Барчиной Жўрабоева, Асалхон Назарова, Гулмира Муқимова сингари юқори балл тўплашга эришган зукко ёшлар грант соҳиблари қаторидан ўрин олишди.**

— Болалигимдан ўқитувчи бўлишни орзу қилардим, — дейди Қўқон давлат педагогика институтининг 1-курс талабаси Мадина Қўлдошева. — Бугун ушбу орзумга эришдим. Филология факультетига грант асо-

сида ўқияпман. Бундан беҳад хурсандман. Энди ўзим танлаган соҳа бўйича яхши ўқиб, малакали мутахассис бўлиб етишишни ниятдаман. Қодиржон Мухторов мактабда яхши ўқишга интилди. Шу сабаб

қўшимча дарсга қатнашига ҳожат қолмади. Дарсдан бўш вақтлари уйда мустақил тайёрланди. Онаси унга ҳам маслақдош, ҳам кўмақдош бўлди. Бугун эса у ўз меҳнати самарасини кўрди: талаба бўлди.

— Қўқон давлат педагогика институтининг биология факультетига ўқишга кирдим, — дейди Қодиржон Мухторов. — Талабаликнинг олтин дамлари ҳам бошланди. Ўқишга кириш учун керакли балл тўплашда мактабдан кейин тиббиёт коллежида олган билимларим ҳам асқотди. Институтга кириш учун жиддий тайёргарлик кўрдим. Бу жараёнда онам

менга катта ёрдам берди. Барча қулайликларни яратиб, дарслик адабиётлар топишимга кўмақлашди ва машғулотларимни назорат қилиб борди. Мен онажонимга ва барча устозларимга ташаккур айтаман.

Мамлакатимизда, ўқийман, деган ёшларга барча шароитлар яратилган. Улар учун энг замонавий кутубхоналар, ахборот-ресурс марказлари, интернет кутубхоналар муҳайё этилган. Буларнинг барчаси истиқлолнинг улкан тўхфасидир.

**Маъмур ЙЎЛДОШЕВ,**  
Фаргона вилояти

# Ҳақиқий билимдонлар баҳси

*Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан иккинчи мартаба ёшлар ўртасида «Парламентаризм билимдони» он-лайн танлови эълон қилинди.*

*Парламентнинг расмий веб-сайтида ташкил этилган ушбу танловда бу гал янада кўпроқ заковатли, билимдон ёшлар қатнашмоқда. Улар орасида республикамизнинг қишлоқ ҳудудларида истиқомат қилаётган тенгдошларимиз ҳам оз эмас. Холислик, очиқлик ва шаффофлик тамойиллари асосида ўтказилаётган бу йилги танлов ҳақида ташкилотчилар ва фаол иштирокчиларнинг фикри билан қизиқдик.*

**Собир Турсунов,  
Олий Мажлис  
Қонунчилик палатаси  
Спикери ўринбосари,  
танлов ҳайъати раиси:**

— Мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб мамлакатимизда ёшлар камолотида давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратилмоқда. Ўтган йигирма икки йил давомида айнан ёшлар масалаларига бевосита дахлдор бўлган 22 та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 15 та фармони ва 11 та қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 41 та қарори ҳамда бир қатор идоравий меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилингани бу борда амалга оширилган ишлар нақадар салмоқли эканини кўрсатади. Ўз навбатида, юртимизда ўсиб келаётган ёш авлод вакиллари ана шу қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини чуқур англашлари лозим.

Шу маънода, ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий билимларини янада бойитиш, уларни парламент фаолияти билан яқинроқ таништириш мақсадида ўтган йили республикамизда илк мартаба «Парламентаризм билимдони» он-лайн танлови ўтказилди. Ўшанда танловда иштирок этган йигирма икки нафар йиллик қонунчилигимиз ҳамда ҳуқуқий соҳада амалга оширилаётган ўзгаришларни билишга бўлган кучли иштиёқини кўриб ниҳоятда қувонган эдим. Бу йилги танловда ҳам ёшлар анча фаол. Айниқса, қишлоқ ёшлари интернет орқали берилаётган саволларга тез ва тўғри жавоб топаётганларини алоҳида эътироф этишни хоҳлардим. Бу эса танлов республикамизнинг барча ҳудудларига кириб борганлигидан далолат беради.

**Олимжон Ўсаров,  
Олий Мажлис  
Қонунчилик палатаси  
матбуот котиби:**

— Юртимизда икки палатали парламент шакллантирилганидан буён ҳозирга қадар қонун

иждоқорлиги соҳасида муайян миллий тажриба тўпланди. Парламентнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни, нуфузи ошди. Мамлакатимизда қабул қилинаётган қонунлар ижросини таъминлашда, албатта, ёшларнинг фаол иштироки жуда муҳим. Зеро, давлатимиз раҳбари ёшларга бизнинг бугунги ва эртанги кунимиз, дея юксак ишонч билдирган. Бундай ишончни сиёсий ва мафкуравий жиҳатдан етук, мамлакатда рўй бераётган ўзгаришларни чуқур таҳлил қилиш учун етарли ҳуқуқий билимларга эга ёшларгина оқлай олади. «Парламентаризм билимдони» танлови ана шундай билимдонларни юзага чиқаришга хизмат қилмоқда.

Ўтган йили танловда тўрт минг нафардан зиёд йигирма-қизлар қатнашди. Улардан икки юз нафаридан ортиги Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг махсус дипломи, шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, сиёсий партиялар, Ўзбекистон экологик ҳаракати ҳамда Халқ таълими вазирлиги томонидан рағбатлантирувчи мукофотлар билан тақдирланди.

Бу йил май ойидан «Парламентаризм билимдони — 2013» танловига иккинчи мартаба старт берилди. У ўттиз турдан иборат. Ёшлар танловнинг исталган тури бўйича беллашишлари мумкин. Дастлабки турдаёқ танлов иштирокчиларининг сони 301 нафарга етди. Иккинчи турдан кейин қатнашувчилар икки баробарга кўпайди. Ҳозир уларнинг сони икки минг нафардан ошган. Бир кунда танловда ўттиздан эллик нафаргача янги номзод қатнашяпти. Қувонарлиси, бу ёшларнинг аксариятини мактаб, лицей ва коллеж ўқувчилари ташкил қилмоқда. Бироқ бу танлов фақат ўқувчи-ёшлар учун, дегани эмас. Унда корхона ва ташкилотларда, сиёсий партияларнинг ҳудудий кенгашларида фаолият кўрсатаётган ўттиз ёшгача бўлган ходим ва ишчилар бемалол ўз билимларини синовдан ўтказишлари мумкин.



Парламент сайтидан фойдаланаётганлар сонини ҳам кундалик мониторинг қилиб борамиз. Ҳар куни сайтимизга 650-700 нафаргача фойдаланувчи кирмоқда. Уларнинг 64 фоизи ёшлар.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, «Парламентаризм билимдони» танлови доирасида парламент сайтида ҳар ҳафтанинг сешанба кунини учтадан савол жавоб вариантлари билан жойлаштирилади. Берилган ҳар бир тўғри жавоб бир баллдан баҳоланади. Ҳафтанинг душанба кунини иштирокчилар тўплаган оралиқ баллар, уларнинг исм-шарифи ва рўйхатдан ўтган вақти кўрсатилган ҳолда сайтда эълон қилинади.

Ҳозирча Тошкент шаҳри, Фарғона, Наманган, Хоразм, Самарқанд, Андижон вилоятлари ва қорақалпоғистонлик ёшлар пешқадамлик қилмоқда.

Бу йилги танлов учун тузилган саволларнинг аксарияти Ўзбекистон Республикаси Конституциясига тааллуқли. Чунки Конституция барча қонунларнинг негизи ҳисобланиб, ёшлар ушбу ҳужжатни мукаммал билишлари шарт. Танловнинг якуний босқичини Конституциямиз қабул қилинганининг 21 йиллиги арафасида, яъни декабрь ойининг биринчи ҳафтасида ўтказишни мўлжаллаяпмиз.

**Аброр Отабоев,  
танлов иштирокчиси:**

— Фарғона политехника институтида таълим оламан. «Парламентаризм билимдони» танловида иккинчи мартаба иштирок этишим. Танловнинг он-лайн тарзда ўтказилиши жуда қулай. Баҳолаш жараёни ҳам реал вақт шароитида олиб борилади. Яъни сиз қанча балл тўплаётганингизни сайтдан ҳеч қийинчиликсиз билиб олишингиз мумкин. Танловда кўпроқ Бош Қомусимиз — Конституциямизнинг асосий ғоялари, парламент ҳаёти, унинг таркибий тузилмаси, сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасидаги фракциялари ҳамда депутатлар фаолиятига

доир саволлар бериляпти. Улар ҳар томонлама пухта тузилган, ҳуқуқий асосга эгаллиги, оддийлиги ва кўп вариантлилиги билан ажралиб туради. Бу биз, ёшларнинг ҳуқуқий-сиёсий билимимизни янада оширишга хизмат қилмоқда. Шахсан ўзим «Парламентаризм билимдони» танлови орқали Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ҳақида тўлиқроқ ахборотга эга бўлдим. Бундан ташқари, Қонунчилик палатасининг веб-сайтини мунтазам кузатиб, парламент ҳаётига оид барча янгиликлардан доимий равишда хабардор бўлиб боришим. Ўтган йили бўлиб ўтган танлов ғолибларини тақдирлаш маросими менда катта таассурот қолдирганди. Инсон ўз билими, интилувчанлиги эвазига кўп нарсаларга эришиши, юксак эътирофларга сазовор бўлиши мумкин экан.

**Рустамбек Сайидов,  
«Парламентаризм  
билимдони — 2012»  
танловининг 1-ўрин  
соҳиби, Тошкент шаҳри:**

— Очиғи, танлов эълон қилинган кундан бошлаб олдимга, албатта, ғолиб бўламан, деб мақсад қўйгандим. Шундан буён мени ўзимга кучли ишонч ва иштиёқ тарқ этмади — ўз устимда қаттиқ ишладим, изландим. Ҳалабага шунчаки эришганим йўқ. Муваффақиятим замирида, аввало, бизга билим берган устозларимизнинг самарали меҳнати ётибди. Умуман олганда, республикамизда биз, ёшлар учун «Парламентаризм билимдони» каби фойдали, жиддий мавзудаги танловлар ўтказилаётганидан мамнунман. Бу ҳуқуқий билимларимизни бойитиш имконини кенгайтиради. Қолаверса, танлов шаффофлик ва ошқоралик тамойилларига тўла асосланади. Мен бу йил ҳам билимимни сынаб кўришга аҳд қилдим. Айни пайтда танловнинг иккинчи босқичида иштирок этяпман. Саволлар ўтган йилгига қараганда ҳам мазмун, ҳам мантиқ жиҳатидан бирмунча такомиллашган, кишини чуқур

мулоҳазага ундайди. Демак, тайёргарликни кучайтириш, кўплаб қўшимча китоблар ва адабиётлар билан танишиб чиқишга тўғри келади.

**Рустам Қобиллов,  
«Парламентаризм  
билимдони — 2012»  
танловининг 2-ўрин  
соҳиби, Самарқанд  
вилояти:**

— Дунёнинг камдан-кам давлатида ёшларнинг таълим-тарбияси ва маънавий камолотида юртимиздаги каби юксак эътибор қаратилади. Буни «Парламентаризм билимдони» он-лайн танлови мисолида ҳам кўриш мумкин. Мамлакатимиз ўз тараққиёт йўлини босиб ўтляпти. Мазкур жараёнда турли соҳаларда изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Бугунги ёш авлод вакиллари жамиятимизда рўй бераётган ижтимоий муносабатларни чуқур англаши ва жамият тараққиётига ўз ҳиссасини қўшишга интиломи зарур. Бу эса ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг янги усул, шакл ва воситаларини ишлаб чиқишни тақозо қилади. «Парламентаризм билимдони» танлови ёшлар фаоллигини ошириш, улар ичидан билимдонларни саралаш ва муносиб рағбатлантиришда алоҳида аҳамият касб этади. Ўтган йилги танлов қизгин ва ҳар жиҳатдан адолатли ўтказилганди. Айниқса, финалда қаттиқ курашишга тўғри келди. Танловнинг бу йилги баҳслари янада қизиқарли ўтишига ишонаман.

\* \* \*

Қизиқарли, қизгин таассуротларга бой тарзда ўтаётган «Парламентаризм билимдони — 2013» он-лайн танлови ўқувчи-ёшларнинг билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш, интеллектуал салоҳиятини, ҳуқуқий тафаккур ва маданиятини янада ошириш, мустақил фикрлаш ва яратувчанлик қобилиятларини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Саҳифани  
Намоз ТОЛИПОВ тайёрлади**

# Обод юртнинг бахтиёр фарзандлари

Yoshlar anjumani

Fidoi yurtdoshlarimiz

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани сингари Навоий вилоятида ҳам ёшлар учун барча имкониятлар яратилган. 2011 йилдан ўз фаолиятини бошлаган вилоят «Ёшлар маркази», спорт комплекслари, замонавий стадион, қолаверса, ахборот-ресурс марказлари бугун ёшлар ихтиёрида.

Биргина «Ёшлар маркази» фаолиятига эътибор қаратадиган бўлсак, замонавий типда бунёд этилган ушбу марказ бугун ёшлар билан гавжум. Марказда ўн бешта тўгарак бўлиб, унда бир мавсумда 620 нафар ёшнинг машғулотда қатнашиши учун барча шароитлар яратилган. Шу кунга қадар марказда ўн уч мингдан ортиқ ёшлар инглиз тили, компьютер саводхонлиги, тадбиркорлик, тикувчилик, пазандалик ва бошқа тўгаракларда касб-хунарга, билим ва кўникмага эга бўлишди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Навоий вилояти кенгаши томонидан ўтказилаётган рангбаранг тадбирлар, анжуманлар, семинар ва давра суҳбатлари ёшларни эзгу ғоя остида бирлаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳаракатнинг корхона, ташкилот ва муассасаларда ташкил этилган бошланғич ташкилотлари фаолияти ҳам эътирофга лойиқ. Улар ёшларни янада фаолликка ва ташаббускорликка чорлаш баробарида, ҳаётда ўз ўрнини топишида ҳам энг яқин кўмакдош бўлиб келаяпти. Шу боис вилоятда ёшлар томонидан қўлга киритилаётган ютуқлар салмоғи кенгайиб бормоқда.

Жорий йилда академик лицей ва касб-хунарсанат коллежлари ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Менинг бизнес ғоям» танловининг республика босқичида вилоятдан ғолибликни қўлга киритган тўрт нафар ёш тадбиркор имтиёзли кредит олиш имконига эга бўлди. Энди навоийлик ёш тадбиркорлар сафи янада кенгайди.

Яқинда бўлиб ўтган Ҳаракатнинг умумий ўрта таълим мактабларидаги бошланғич ташкилотлари етакчилари республика форумида Навоий шахри-



даги 16-мактабнинг «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти етакчиси Баҳодир Жўраев «Энг намунали бошланғич ташкилот» номинацияси ғолибига айланди. Ҳаракатнинг ўрта махсус, касб-хунарсановчи таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилотлари етакчилари форумида эса, Навоий техника касб-хунарсановчи коллежининг бошланғич ташкилоти (етакчиси Азиза Шакарова) «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловида кучли ўнликдан ўрин эгаллаб, «Roison» телевизорлари билан тақдирланди.

Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги муносабати билан Навоий вилоят ҳокимлиги, Халқ депутатлари вилоят кенгаши ижтимоий-маданий ривожланиш, ёшлар сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш масалалари доимий комиссияси ҳамда «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши томонидан «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида «Ёшлар сиёсати — жамият тараққиёти гарови» мавзусида ёшлар анжумани ташкил этилди. Унда вилоятдаги давлат мукофотлари, турли танлов ва грантлар совриндорлари, стипендиатлар, чет элда таълим олган ёш мутахассислар, илмий-техникавий фаолият билан шуғулланаётган ёш олимлар, иқтисодиётнинг турли тармоқларида, ишлаб чиқариш, қурилиш ҳамда қишлоқ хўжалигида самарали фаолият олиб бораётган ёш мутахассис-кадрлар ва тадбиркорлар қатнашди.

Анжумани вилоят ҳокими, сенатор Эркин Турдимов кириш сўзи билан очиб, вилоятда ёшлар

учун яратилган шароитлар, имконият ва имтиёзлар хусусида алоҳида тўхталиб ўтди. Сўнг иштирокчиларга мамлакатимизда, жумладан, вилоятда ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилганини ўзида акс эттирган видеоролик намойиш этилди.

Анжуман доирасида энг фаол ва истиқболли, ёш мутахассис-кадрлар билан фикр алмашиниб, тақлиф ва мулоҳазалар тингланди.

— Анжуманнинг асосий мақсади ёшларни қўллаб-қувватлаш, иқтидорларини намоён этишга ҳамда жамиятдаги фаоллигини оширишга қаратилган. Ушбу анжуман ёшларнинг бирдамлиги ва ҳамжихатлигини, уюшқоқлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди, — дейди «Камолот» ЁИХ Навоий вилояти кенгаши раиси Нурбек Улуғбердиев.

Анжуманда турли соҳаларда улкан ютуқларни қўлга киритиб, тенгдошларига ўрнак бўлаётган ёшлар ҳам ўз фикр-мулоҳазалари ва тақлифларини билдиришди.

— Анжуманда иштирок этаётганимдан хурсандман. Истиқлол йилларида энг замонавий, барча шароитларга эга бўлган мактаб ва коллежда таълим олдик. 2011 йил адабиёт йўналишида Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси бўлдим. Айни пайтда Ўзбекистон Миллий университетиде таҳсил олаётган. Устозларимиз сабоқлари туфайли яқин ва олис тарихимизни ўрганиш билан бирга, сўзнинг бадий қудрати нечоғли юксак эканини юракдан ҳис этаётганман. Юртбошимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка

эришиш оstonасида» асарини мутолаа қилган ҳар бир ўқувчи бугунги тинч, фаровон кунларга осонликча эришмаганимизни англаб етади. Мустақиллик мевалари қандай ширин, қандай тотли! Биз, ёшларни нурли келажакда буюк ва шиддатли одимлар кутмоқда, — дейди Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Лайло Орзиева.

Эркин ва очик мулоқот тарзида ўтган анжуманда ёшлар томонидан билдирилган тақлиф ва мулоҳазалар келгуси фаолият учун белгилаб олинди.

— Бугун юртимизда фермерлик ҳаракатининг ривожланиши қишлоқ хўжалиги соҳасини янги босқичга олиб чиқди. Айни дамда ер ўз эгаларини топиб улгурди. Мен ҳам ота-боболарим деҳқон бўлгани боис, она замонамга меҳр қўйиб, ўз фермер хўжалигимни ташкил этдим. Бир неча йилдирки, хўжалигимиз давлатга пахта ва ғалла топшириш режасини ортиғи билан уйдалаб келмоқда. Шу боис ҳар йили оқори ҳосилдорликка эришиб келаяпмиз. Шундай шукҳли кунларда тенгдошларимга энг эзгу ниятларимни тилаб қоламан, — дейди Навбахор туманидаги «Диёрбек Сулаймонов» фермер хўжалиги раҳбари, ёш фермер Соҳиб Холмуродов.

Анжуман том маънода ёшларимизни янада фаолликка, ташаббускорликка ва шижоатга чорлади, уларнинг келгусидаги самарали фаолиятларига қанот бўлди.

**Отабек АСЛОНОВ,**  
«Turkiston» мухбири.  
Фарҳод Мирзаев  
олган сурат

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, адабиёт, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳа ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонида кўра, мазкур соҳаларда самарали меҳнат қилаётган, эл-юрт манфаати, ёшлар камолоти йўлида жон койитаётган бир гуруҳ юртдошларимиз давлат мукофотларига муносиб кўрилди. Тақдирланганлар орасида халқ таълими аълочиси, «Маърифат» ва «Учитель Узбекистана» газеталарининг Сурхондарё вилояти бўйича мухбири Норқувват Тўраев ҳам бор.

## Таълим — тараққиёт асоси

«Дўстлик» ордени соҳибини Норқувват Тўраев жонкуяр, оққўнги журналист. Унинг «Сурхон зиёлилари минбари», «Сурхондарё вилояти халқ таълими юксалишида» номли китоблари воҳада меҳнат қилаётган таълим фидойилари, уларнинг ҳаёт йўллари ҳақида ўқувчига атрофлича маълумот беради. Айниқса, Норқувват аканинг халқ оғзаки ижодини ўрганиш ва ундан ёшларни тезроқ хабардор қилишга қаратилган саъй-ҳаракатлари диққатга молик. У сурхондарёлик Чоршанби бахши Раҳматуллаевдан «Ёдгор», «Бобошоир», «Шоҳ шайх Мардон» дostonларини ёзиб олди. Шу билан бир пайтда «Маънавият гулшани» газетасининг ўқишлилигини ҳам эътибордан четда қолдиргани йўқ. Худудлардаги ижодкор ёшлар билан учрашиб, уларни ижодий ҳамкорликка чорлайди, ёшларнинг матбуотга қизиқшини шакллантиради.

— Бугун юртимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар миқёсини бирор нарса билан ўлчаб бўлмайди. Юртимиз барча соҳаларда бир маромда юксалиш йўлидан бормоқда. Бундай изчиллик, ҳамма соҳага бирдек эътибор қаратиш тажрибаси дунёнинг камдан-кам давлатида мавжуд, — дейди Норқувват ака. — Камтарона хизматимизга берилган ушбу юксак мукофот замирида ҳам улкан ғамхўрлик ифодаси мужассам. Бунини мен маънавият ва маърифат ходимларига билдирилган юксак ишонч сифатида қабул қилдим. Бу муваффақият кейинги фаолиятимда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Н.Тўраев қалами ўткир, бугунги ислохотларга теран нигоҳ билан ёндашиб, уларнинг халқимиз, хусусан, ёшлар ҳаётидаги улкан аҳамиятини ҳис қилиб ижод қилаётган журналист. Бу жиҳатлар унинг республика ва вилоят шарҳларида чоп этилаётган мақолаларида ҳам яққол намоён бўлади.

Айни пайтда Норқувват ака маҳаллий ижодкорларнинг насрий ва шеърый тўпламларини таҳрир қилиш баробарида, ёш журналистларга мўлжалланган, публицистика жанрлари ҳақида маълумот берувчи қўлланма тайёрлаш бўйича изланишлар олиб бормоқда.

**Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,**  
«Turkiston» мухбири

# Илғор тажрибага таяниб...

Ўз бағрига 555 нафар ўқувчини, 56 нафар ўқитувчи ва мураббийни олган Бекобод туманидаги 13-мактаб Тошкент вилоятидаги илғор билим масканларидан бирidir. 450 ўринга мўлжалланган замонавий ўқув биноси 2009 йилда умуммиллий дастурга мувофиқ тўлиқ капитал реконструкция қилинди. Барча ўқув хоналари замон талаби даражасида жиҳозланган, компьютер, видеопроектор, телеаппаратуралардан унумли фойдаланилмоқда. Физика, кимё ва биология фанлари бўйича ўқув-лаборатория хоналари зарур техник анжомлар билан таъминланган. Замонавий спорт зали бор.



Мактабнинг ёш ўқувчи-археологлари қазув ишлари пайтида

Фанимат Абдуғафурова, Даврон Жўраев, Набижон Бозорбоев, Шаҳринисо Холматова, Раъно Мақсудова, Марҳамат Мадрахимова сингари фахрий ўқитувчиларнинг тажрибасидан самарали фойдаланиб келаётган бугунги ўқитувчилар авлоди таълим-тарбия соҳасида сезиларли ютуқларни қўлга киритмоқда.

Мактаб ўқувчиларининг фан олимпиадалари ва билимлар беллашувидаги иштироки муваффақиятли кечмоқда. Информатика фани бўйича фан олимпиадасининг вилоят босқичида Жавоҳир Раҳимов муносиб иштирок этди.

12 та фан ва 7 та спорт тўғрисидаги мунтазам ишлаб турибди. Айниқса, мактаб ўқувчиларининг спортда эришаётган ютуқлари диққатга сазовор. Волейбол, баскетбол, теннис, кураш, шахмат-шашка, футбол тўғрисидаги доимо ўқувчилар билан гавжум. Мактабнинг волейболчи қизлар жамоаси «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг туман ва вилоят босқичида биринчи ўринни эгаллаб республика ҳудудий босқичида 4-ўринга сазовор

бўлди. Шунингдек, мактаб ўқувчилари баскетбол, футбол, теннис ва кураш бўйича туманда пешқадам.

Албатта, эришилаётган ютуқларда устозлар маҳорати, янги изланишлар жуда қўл келмоқда. Айниқса, бу борада илғор ўқитувчилардан Мухиддин Бозорбоев, Мавлуда Маматқуллова, Нодира Акрамова, Мадамин Жўраев, Ойсара Холматова, Маърифат Сулаймонова, Наргиза Зиёдуллаева, Дилфуза Хусанбоева, Сарвиноз Холматованинг иқтидори, янгиликка интилиб ишлаётганлиги диққатга сазовор. Ёш тарих ўқитувчиси Элёр Жўраев, меҳнат ва тасвирий санъат фани ўқитувчиси Раъно Шомуродованинг ўзига хос янги изланишлари ҳам самарали кечмоқда. Ўқувчиларни касбга йўналтириш, меҳнат малакаларини шакллантириш яхши йўлга қўйилган. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, мактабда ташкил этилган «Моҳир қўллар», «Пазандалик» тўғрисидаги фаол иш олиб бораётган.

Мактабда ўлкашунослик ва тарих

музейи ташкил этилган. Мактабнинг фахрий ўқитувчиси, тиниб-тинчимас инсон Даврон Жўраев ташаббуси билан очилган мазкур музей ҳозирда кўпчиликнинг, ҳатто мутахассис олимларнинг ҳам диққат-эътиборини тортмоқда. Музейга Бекобод тумани «Далварзин» ҚФЙга қарашли «Боғи-шамол» маҳалласи ҳудудидан топишган осори-атиқалар, қадимий буюмлар, хусусан, кўзалар, қадимий тангалар, омов-бўйинтурук, тақинчоқлар, турли хил қурол намуналари қўйилган. Музейни кўриб, кўз олдингизда тарих гавдаланади. Айни кунларда ёш тарихчилар, шоғирлар Даврон аканинг ишини давом эттиришга шай. Уларнинг мақсади музейни янада кенгайтириш ва зарур экспонатлар билан бойитишдир.

Мактабда айни кунларда чет тилини, хусусан, инглиз тилини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилган. Тили мукаммал ўргатиш мақсадида иккита хона ажратилиб, зарур воситалар билан жиҳозланди. Ҳозирда уч нафар малакали инглиз тили ўқитувчиси меҳнат қияпти.

Мактабда катта ҳажмдаги ободонлаштириш ишлари амалга оширилган, кўркам боғ барпо этилган.

Мактаб жамоаси Билимлар кунини зўр кайфият, кўтаринки руҳ билан кўтиб олди. «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида барча синфларда мустақиллик дарслари ўтилди. Ҳар бир синф ўзининг мустақилликка ва янги ўқув йилига бағишланган деворий газеталарини чиқарди. Биринчи қўнғироқ садолари мактаб ўқувчиларини илм чўққиларига даъват этувчи бонг бўлиб янгради.

**Ашуралӣ БОЙМУРОД,**  
«Turkiston» мухбири




Бекобод туманидаги 13-мактаб волейболчи қизлари навбатдаги ғалабадан сўнг

## Албатта, қизиқиб қоласиз

Унда келтирилган воқеа узоқ йиллар олдин юз берган. Ўзбек археологларидан бири Сурхондарё вилоятидаги қадимий ерлардан бирида қазув ишларини олиб бораётиб, қимматбаҳо хазина топиб олади. У оз эмас, кўп эмас, бир кўза тилла ёмбилару тақинчоқлар эди. Археолог уни қандай бўлмасин, мутасадди идорага етказишни ўйларди. Мақсадига эришади ҳам... Қизиқ, у бу ишни қандай уддалаган экан? Бу жонкуяр, илм фидойиси, ватанпарвар юртдошимиз ким?

«Ёш куч» журналининг навбатдаги сонини варақлар экансиз, журналист Жўра Қодировнинг археолог Баҳодир Турғунов (ўша

кўзи тўқ, илмпарвар ватандошимиз) ҳақидаги «Ўзбекдан айланса арзийди дунё» эссесига кўзингиз тушади. Уни, албатта,



ўқиб кўринг, демаймиз. Шунчаки кўз ташласангиз, кифоя, эссенинг ўзи сизни ўша қизиқ воқеа «гувоҳи»га айлантиради-қўяди.

Журналнинг ушбу сонинда бошқа эътиборга лойиқ материаллар ҳам кўп. «Эл эътиборидаги одамлар», «Китоб ўқиш оилада шаклланади» (Адолат Файзиёва), «Куй кўнгилдан сизиб чиқсин-да» (Бекназар Дўстмуродов), «Севилиш иштиёқи» (Муаллиф ёш психолог Шаҳноза Каттабекова) сингари мақола ва суҳбатлар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси, таниқли шоира Гулжамол Асқарованинг шеърлари шулар жумласидан.

**Элмурод**  
**МАҲМАРАЙИМОВ**



## Замонавий Робинзон

Янги зеландиялик Раян исмли сайёҳ Австралиянинг шарқий қисмидаги оролга бориб, икки ҳафта ўша ёқда қолиб кетди.

Бунга Раяннинг қайиғи тимсоҳлар қуршовига тушгани сабаб бўлди. «Қамал» пайтида сайёҳ мева териб кун кечирган. Орадан икки ҳафта ўтгандан сўнг, толе кулиб боқиб, Австралияга кетаётган ҳамюрти Дон Маклеод унга ёрдам берди. Ҳозирда шифохонада даволанаётган Раян яна оролга борадими-йўқми, буниси номаълум.

## Олмаҳонга йўл беринг

Швециянинг Гетенборг шаҳрида олмахон автоҳалокатга сабаб бўлди.

Катта тезликда кетаётган автобуснинг йўлидан олмахон югуриб ўтади. Натижада, қирқ нафар йўловчиси бўлган автобус йўлдан чиқиб, катта эманга бориб урилди. Йўловчиларнинг олти нафари шифохонага ётқизилди. Автокорхона маъмурларининг сўзларига кўра, аслида, ҳайдовчи нима бўлишидан қатъи назар, автобус рулини бурмаслиги керак эди, бироқ бунга унинг ҳайвонларга меҳри тўқинлик қилган. Ҳайдовчи мияси чайқалгани камдек каттагина жаримага тортилган бўлса-да, ишидан афсусда эмас. Фақат жабрланганлардан узр сўради.

## Энг ёш рекордчи

Хитойнинг Нанкин шаҳрида беш ёшли бола ўртача самолётни бошқариб, Гиннеснинг «Рекордлар» китобидан ўрин олди.

Хэ Идэ исмли болакай мураббийини орқа ўриндиққа ўтқазиб, самолётни нақ ўттиз беш дақиқа бошқарди. Махус видеоасмага муҳрланган лавҳа Гиннес рекордларини қайд этиш марказига тақдим этилди. Отасининг сўзларига қараганда, болакай йилига беш минг доллар тўланадиган Япониядаги нуфузли учувчилар мактабида аъло баҳога ўқийди, бунга унинг самолёт бошқарувини эплагани ҳам даллат беради. Хитойликлар мақтанчоқ отани ўғлига совуққонликда айблади.

## Сигирлар сабабли фалокат

Чехиянинг Крнова шаҳридан Оломоуцага кетаётган йўловчи поезде сигирлар подасини уриб кетди.

Қоронғида содир бўлган ҳалокат туфайли ўн етти бош жонивор ўлди. Бахтли тасодиф сабабли одамлар жабр кўрмаган. Чехия темир йўл ходимлари поездга етказилган зарар беш минг АҚШ долларига тенг эканини маълум қилди. Воқеа туфайли полиция салкам беш соат темир йўлнинг маълум қисмини вақтинча ёпган. Шунингдек, сигирларнинг қандай қилиб поезд йўлига чиққани ҳам аниқланмоқда. Беъэтибор подачига нисбатан қидирув эълон қилинган.

**Интернет манбалари асосида**  
**Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади**

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг реконструкция қилинган Қуюв-механика заводи



ЎзА сурати

Yuksalish

## Истомин 1/8 финалда

Ўзбекистонлик теннис устаси Денис Истомин АКШда давом этаётган US Open мусобақасининг нимчорак финалига йўлланма олди.

Юртошимиз бу йўлда италиялик Андреа Сепини беш сет якунига кўра (6:3, 6:4, 2:6, 3:6, 6:1) мағлуб этди.

Денис Истоминнинг навбатдаги рақиби Буюк Британия вакили Энди Маррей.

Эслатиб ўтамиз, нимчорак финалга чиқиши билан ҳамюртимиз 180 рейтинг очкосига эга бўлди.

Германияда ўтказилган байдарка ва каноэда эштак эшиш бўйича жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз, икки карра жаҳон чемпиони Вадим Меньков кумуш медалга сазовор бўлди.

## Кучлилар сафида

Беш юз метр масофани биринчи бўлиб бразилиялик Исакиаш Куэррош дош Сантош сузиб ўтган бўлса, германиялик Эрик Лой маррага учинчи бўлиб етиб борган. Ҳамюртимиз чемпион дош Сантошдан кичик фарқ билан ортда қолган ҳолда, иккинчи ўринни эгаллаган.

## Тошкентда гран-при

Тошкентда 17 сентябрдан 1 октябрга қадар FIDEнинг аёллар ўртасидаги учинчи босқич гран-при мусобақаси бўлиб ўтади.

Унда дунёнинг ўн икки нафар машҳур аёл гроссмейстери қатнашади. Улар: Хампи Конеру (Ҳиндистон), Жао Хуе (Хитой), Катерина Лагно (Украина), Антуанетта Стефанова (Болгария), Виктория Чмилите

(Латвия), Харика Дронавали (Ҳиндистон), Жу Венжун (Хитой), Бела Хотенашвили (Грузия), Александра Костенюк (Россия), Элина Даниэлян (Арманистон), Ольга Гирия (Россия) ва Нафиса Мўминова (Ўзбекистон).

Мусобақанинг мукофот жамғармаси олтмиш минг евродан иборат. Голиб ўн минг еврога эга бўлади.

Мазкур мусобақанинг олдинги босқичлари Швейцария ҳамда Арманистонда бўлиб ўтган эди.

**Жавоҳир КАРОМАТОВ,**  
«Turkiston» муҳбири

Латиф, нозик						Бурж номи					
Сув таркибидаги элемент	Тетик, бардам	Туйнук		Обод, осуда		Вақт улчови	Эргашев (хонанда)	... Цой (хонанда)	... сингил		Сув жонивори
Ая, ойи						Оёқ қисми	Девор бўёғи				
		Информацион дастур ("Ёшлар")		Новости (ахборот агентлиги)					Мўғул чорвадори	Зеб бериш	
... новот (ковун нави)					Инсон, шахс	Ой, моҳ					
		Жамият бўғини, хонадон				Термизий			2-нота		
Черязова (спортчи)					Озиқ-овқат маҳсулоти						

Тузувчи: Фахриддин Раҳимов



## Диққат, ЭЪЛОН!

Сиз соғлом турмуш тарзи тарафдоримисиз? Ундай бўлса, бизга қўшилмиз!

Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларни оммавий спорт турларига кенг жалб этиш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳаваскор велоспортчи ёшларни навбатдаги — VI анъанавий «Kamolot-tur» ёшлар веломарафонига тақлиф этади.

Веломарафоннинг ҳудудий босқичи **жорий йилнинг 3-10 сентябрь кунлари** республика-мизнинг барча вилоятларида ўтказилади. Финал босқичига **14 сентябрь соат 10:00 да** Тошкент шаҳри Бектемир туманидаги «Роҳат» постидан старт берилади. Мусобақа иштирокчилари йигирма километрлик масофани босиб ўтадилар ва финиш чизиғида, «Ёшлик» — «Камолот» спорт мажмуасида мухлислар билан кутиб олинади.

Веломарафонда ҳаваскор ёшлар ва уларнинг ота-оналари ҳамда барча йигит-қизлар иштирок этишлари мумкин.

**Унутманг, асосийси мусобақада голиблик эмас, иштирокдир!**

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати — экологик тоза транспорт тарафдори!

**Батафсил маълумотларни 8(371) 241-01-61, (+99890) 252-99-97 рақамлари орқали ёки www.kamolot.uz сайтидан олишингиз мумкин.**

## TABASSUM

### АФАНДИ ЎШАНДАЯМ АФАНДИ БЎЛГАН

Тўрт яшар Насриддинга отаси бозордан машинача, копток, кубиклардан иборат бир талай ўйинчоқ олиб келди. Насриддин жуда хурсанд бўлди. Ҳаяжонланиб, отасига «энди жудаям одобли бола бўлиш»га ваъда бериб юборди.

Бир куни отаси ишдан келса, болга билан ўйинчоқларини уриб, майдалаб ўтирган эмиш. — Ие, бу нима қилиқ, бўтам? — дебди ота ҳайрон бўлиб, ҳам қоши андак чимирилиб.

— Ўйинчоқларимни синдириб кўпайтираяпман, дадажон, — дебди Насриддин. Афанди ўшандаям афанди бўлган экан-да!

### YON DAFTAR CHANGIZGA

Асли қора оқармас,  
Асли бузуқ тузалмас.

Ўзбек халқ мақоли

### МУАССИС:

«КАМОЛОТ»  
ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ  
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2007 йил 19 апрелда № 0242 рақам билан рўйхатдан ўтган.



### Бош муҳаррир:

Ашуrow Салим Тўраевич

### Тахрир ҳайъати:

Баҳодир Фаниев, Меҳриддин Шуқуров (бош муҳаррир ўринбосари — «Turkiston»), Элмурод Нишоннов (масъул котиб — «Turkiston»), Ирина Кочергина (бош муҳаррир ўринбосари — «Молодёжь Узбекистана»), Елена Калинина (масъул котиб — «Молодёжь Узбекистана»), Рустам Қосимов

### Навбатчи муҳаррир:

Назарова Майсара Тошевна

### Саҳифаловчи:

Рўзиев Зафар Хусанович

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Манзилмиз: 100083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.  
Телефонлар: (371) 233-95-97. (371) 233-79-69  
e-mail: info@turkiston.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-3 форматда чоп этилди. Ҳажми — 4 босма табок. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Индекс: 203, 3203  
Баҳоси келишилган нарҳда.

Буюртма Г-943.  
Адади — 8391  
Босишга топшириш вақти — 21.00  
Топширилди — 22.15  
ЎЗА якуни — 21.50

Офсет усулида босилган.

1 2 3 4 5 6